

8

МАРТ

ОНАЖОНЛАРИМИЗ, ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ ВА ҚИЗЛАРИМИЗНИ БАЙРАМ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ!

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ЎЗБЕКИСТОН

ОҶОҶИ

ЎТМОИЙ-
СИҶОСИЙ
ҶАЗЕТА



• 2005-ҶИЛ • 7-МАРТ • ДУШАҢБА • 28 (27.363) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoшлаган.

ҲАМКОРЛИК ВА БАҶҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 5 МАРТ КУНИ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ПАРВЕЗ МУШАРАФ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ

Дўрмон қароргоҳида 6 март куни олий мартабали меймонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан кейин Ўзбекистон ва Покистон раҳбарлари яккама-якка суҳбатлашдилар. Унда асосий эътибор икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига ҳамда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалаларга қаратилди. Ўзбекистон ва Покистоннинг ўхшаш ҳижратлари кўп. Жаҳон сийosat майдонида Ўзбекистон ва Покистонга ҳақли равишда халқаро аксилтеррор коалициясини қатъий қўллаб-қувватлаган, террорчилик ва экстремизмга қарши курашнинг олдинги сафида турган давлатлар сифатида қаралади.

Истиқболни белгилаб олиш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини қайта кўриб чиқиш ва самарадорлигини ошириш имкониятини яратмоқда. Парвез Мушаррафнинг ташрифидан кўзланган мақсад икки томонлама ҳамкорлик масалалари билан чекланмади. Покистон АҚШ, Хитой, Туркия ва Форс кўрфази мамлакатлари билан стратегик ҳамкор. Ўзбекистон эса АҚШ, Россия, Япония каби давлатлар билан стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган. Икки томонлама асосда ва ШХТ доирасида қарор топган алоқалар туфайли Хитой ҳам Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди. Демак, Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлиги сиёсий ва иқтисодий алоқалар ҳамда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш нуктаи назаридан долзарб масала сифатида намоён бўлмоқда.

Ташкент ва Исломобод ўртасида мустаҳкам ва узоқ муддатли алоқа ўрнатилиши Ўзбекистон учун Форс кўрфази мамлакатлари билан, Покистон учун эса Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларини янги асосда, кенг ривожлантириш имкониятларини очди. Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф ҳамкорлики барча соҳаларда фойдалантириш ва янги мазмун билан бойитиш масалаларини муҳокама қилди. Алоқаларни мустаҳкамлашнинг ана шундай кенг қамровли стратегияси юзасидан фикр алмашдилар. Президентлар Афғонистонга ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳам муҳокама этдилар. Афғон муаммоси бўйича

мулоқотларга мунтазамлик тусини беришга, террорчилик, нарқобизнес ва экстремизмга қарши кураш борасида тажриба ва ахборот алмашиб боришга келишиб олинди. Ҳақиқий ислом дини билан динни никоб қилиб олган гараз ниятли кучлар ўртасидаги фарқни аниқ ва кескин ажратиш лозимлиги тўғрисида томонларнинг фикри бир хил. Баъзи ақидапарастларнинг Покистон худудида яшириниб юргани кўпчиликка маълум. Парвез Мушарраф мазкур муаммонинг ҳал этиш учун Покистон барча куч ва имкониятларини ишга солаётганини, бу йўналишдаги сайёҳаракатлар келгусида ҳам қатъият билан давом этишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, суҳбат чоғида БМТни ислоҳ қилиш, Покистоннинг ШХТга қўшилиши билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Наврўз нафаси

ТОЗАРИШ ФАСЛИ

Баҳор бошланди. Қир-адирларда майсалар бош кўтарди. Олам уйғонди. Баҳор элчиси бўлган бойчечакни қўлларидан тугган болалар халқ айтимларини кўйлайдилар. Кўкламага етганлар шукрона айтадилар. Она ер бағрида мўъжиза мисол ялпиз тўлғонади. Унинг хушбўй ҳиди таралади. Дарахларда куртаклар кулади. Шошқалоқ бодом ҳаммасидан олдин гуллади. Кўнгиллаларга кўнги кўклам нафаси. Тошда юракда тўғёнлар, ёнади диллар. Баҳорнинг бетакорор кўшигини кўйлаб, ариқда қиқирлаб кулади сувлар. Озод Ватанда, обод юртда озодлик ишларига киришилди. Сув йўллари қазилди. Ховли-жойлар тартибга келтирилди. Тириклик, тўкинлик манбаи — ерга уринилди. Она табиати севиш, унинг ҳар бир фаслига алоҳида эътибор — бу ҳаётга муҳаббатдан туғилди. Баҳор — табиатнинг уйғониши, бутун борлиққа либослар кийдириди, дала-боғлар қўшлар хо-нишига тўлади, қуёш бошқача фойз, ўзгача ёруғликда нур сочади. Қиш бўйи нафаси ичига чўккан жилғаларда тириклик оқа бошлади. Улуғ шоиримиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари буларнинг барчасини оламнинг зеби деб таърифлайди:



То фасли баҳор зеби олам бўлғай, Ул зеб ила бог сабзу хуррам бўлғай. Мана шу лаҳзалардан тоза-риш фасли бошланади. Салкам бир аср умр кўрган бобо ўз набираси билан аждоқлар анъанасини давом эттириб кўчат ўтказди. Авлоқлар бешигини тебратган момо сумалак пишириш сир-асорларини қиз-жу-

вонларга ўргатади. Барча-барча далада. Дон сочаётган бободоҳқон ерни ҳайдаш билан ризқ йўлини очди. Оламнинг ободлиги деҳқонлардан, фуқаронинг шодонлиги улардан. Тозалик, саранжом-саришталик бор жойда қўг-барака, аҳиллик, сиҳат-саломатлик бўлади. Шунинг учун қадим-қадимдан буён озодлик халқимизга хос одатдир. Яратиш, мўъжизалар бунёд этиш, замин билан тиллашиш танти ўзбек бободоҳқонининг боқий фалсафасидир. Шунинг учун ҳам донишмандлардан бири шундай деган экан: **«Табиат билан тил топши, шунда ҳеч вақт кам бўлмайсан».** Ризқи бутун элнинг далалари-

2-бет



(Давоми 2-бетда.)

Сурадаги бу қизлар — бизнинг қизлар, «Ўзбекистон овози»нинг қизлари. Улар газетачиликнинг барча машаққатларига бардош бериб, юртимиз раванқи, халқимиз бахт-саодати йўлида фидойи меҳнат қилиб келишмоқда. Биз таҳририятимиз қизлари тимсолида Оммавий ахборот во-ситалари соҳасида ўта мураккаб, ўта масъу-лиятли ва айни чоғда ўта шарафли вазифа-ларни бажариб, юртимиз раванқи, халқимиз бахт-саодати йўлидаги улғувор ишларга муно-сиб ҳисса қўшиб кел-лаётган барча опа-син-гилларимизни байрам билан қутлаймиз! Уларга бахт, муҳаббат ҳам-иша ёр бўлсин, юз-ларидан табассум ари-масин!



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

АЁЛ — СИЁСАТЧИ, АЁЛ — ДЕПУТАТ, АЁЛ — СЕНАТОР, АЁЛ — ОЛИМА...

У оналик масъулияти, турмуш ташвишларидан ортиб юрт истиқбол, миллат тақдири, фарзандлар камоли учун ҳам ёниб яшайди. Донишмандлардан бири айтган экан: «Кўёсиз гуллар очилмайди. Севгисиз бахт йўқ. Аёلسиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди». Бас шундай экан, бу ёруғ оламда аёл мадҳига шоир сўзлари билан айтадиган дoston тугамаслиги исбот талаб этмайди деган ҳақиқатдир. Миллатга эҳтиром аёлга эҳтиромдан бошланади. Қайси жамиятда мана шу ўлмас тамойилга амал қилинса, бу ўша мамлакатнинг келажакни буюклигидан дарак беради. Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб мустақил Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масаласи, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан би-

рига айланди. Президентимизнинг «Аёлни улуғлаш — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлашдир» деган сўзлари бутун мамлакат бўйлаб матруур жаранглаб келмоқда. Аёлни улуғлаш борасида кўпдан-кўп тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбек хотин-қизлари барча жа-ҳада — спортда ҳам, илму ижодда ҳам, фарзандлар тарбиясида ҳам, тадбиркорлигу раҳбарлик бобида ҳам таҳсинга лойиқлигини ҳаётининг ўзи кўрсатиб турибди. Кўни кеча мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригида мана бундай эътироф мужассамдир: «Бугун мамлакатимиз ҳаётининг қайси томонини олмайллик — оддий оиланинг рўзгорини тебратишдан тортиб давлат ва жамият қурилишигача, иқтисодийётни ривожлантиришдан тортиб соғлиқни сақлаш, тағлим-тарбия, маданият ва илм-фан тар-ққиётигача — бу соҳаларнинг бар-часини аёлларнинг иштирокисиз та-саввур этиб бўлмайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз».

2-БЕТ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.alqabank.uz E-mail: info@alqabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Баҳор илҳомлари

ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИБ УЙҒОНМОҚ КЕРАК

Кўрдим бу дунёнинг турфа савдосин, Утган ҳаётимни қилдим минг элак. Аглаганим бўлди, тонгга юз тугиб: — Ўзбекистон бўлиб уйғонмоқ керак!

Жилга ўз тилида чулдирар чунон, Телар ер қаддига абадий тирак. Улар виқорида бир сирни уқдим: — Ўзбекистон бўлиб уйғонмоқ керак!

Недир бу дунёнинг ҳою-ҳаваси, Онасин бағрида ухлайди гўдак. Сут ҳиди анқиган ҳаволар дейди: — Ўзбекистон бўлиб уйғонмоқ керак!

Торға тор, кенга кенг бу мўъжаз олам, Дунёни чулгайди энг олий тилак. Юрак меҳваридан чиқмасин десанг: — Ўзбекистон бўлиб уйғонмоқ керак!

БАҲОР

Маним бўзимдаги қўшқларим сен, Аладан чайқалган бешиқларим сен. Дунёга очилган эшиқларим сен, Яна мени йўқлаб келдингми, баҳор.

Яшил ўзанларга сизмас дарёим, Ғаниятим мененг, ишқли дунёим. Хаққим тилларидан тушмас дуоим, Яна мени йўқлаб келдингми, баҳор.

Қора қишлар ортда боғларда қолиб, Армонлару ғамлар зоғларда қолиб. Баҳор бўлмаган қор тоғларда қолиб Яна мени йўқлаб келдингми, баҳор!

Сен асли Алоҳдан оламга эҳсон, Сенин билан яшар барча тирик жон. Бизга шукур, сабр айлагин эҳсон, Яна мени йўқлаб келдингми, баҳор.

Қалдирғочлар келди қошлари қора, Булбул севган гулга яна парвона. Эй, жумла жаҳонга бирдайин она Яна мени йўқлаб келдингми, баҳор.

БЕШИҚДАГИ БОЛАЖОН

Бешиқдаги болажон ойдек тўлиб ётади Кўзмиңгичи сийпалаб кулиб-кулиб ётади.

Гуверанади товшида минта булбул сели бор, Уни кўзга сургуччи ўзбек деган эли бор.

Буюк Турон заминга у ҳам битта томдирди, Нигоҳлари илоҳий, нигоҳлари тоза нур.

Балки унинг томири дунёларга етгайдир, Пешонасин Темурадк ҳазрат силаб кетгандир.

Балки ҳазрат Навоий тунлар бошида турар, Буюк Турон заминга Мўмин мизолар тилар.

Балки Қодирий бобо атрофида юргандир, Усмон Носир умид-ла кўзни тикиб тургандир.

Балки ўзбек кўксига ўсаётир ёш бир тоғ, Зуваласин қорганда назар солгандир Алоҳ.

Ким бўлса ҳам у асли жигаримнинг пораси, Бешиги Туронзамин — истиқлолнинг боласи.

Бешиқдаги болажон, гуверанади, кулади, Эгилсам, ундан улғур зотлар иси келади...

«ҚИЗЛАР ДАВРАСИ» ҚИЗЛАРИГА

Қошларида қалдирғочлар учиб юрган, Сунбулида мавжли дарё кўчиб юрган, Бўйларига сулар либос бичиб юрган, Ишқ кўкининг қумушқанот қушларисиз, Паривашлар — Ўзбекистон қизларисиз.

Жамланибсиз йиғирма бир гунча бўлиб, Ақлу чирой, ишқу лаптофатларга тўлиб, Янги аср пешвоз чиқур сизга кулиб, Асрларни ҳайратларга солажасиз, Ўзбегимнинг қизи бўлиб қолажасиз.

Маликасиз — эртақлардан тушган пари, Хурийдасиз — ой нурининг латиф зари, Нарзисиз — дил чаманин шўх дилбари, Қора кўзи, Қумушдайин Низорларсиз, Ўзбегимнинг кўксига баҳорларсиз.



Ватан — озод, хурашқ ила олур нафас, Учар қушлар бугун сизга қилур ҳавас, Дўстлар шодон, ғаним кўкси ҳасаддан дашт, Кўз тегмасин, кўзуга бир боқиб олинг, Меҳримиздан кўзмиңгичлар тақиб олинг.

Сизга Қумуш ҳаёларин бериб кетган, Тумарислар дуоларин бериб кетган, Ор-номусдек дунёларин бериб кетган, Асранг уни, ўзбекнинг оқ юзи бўлинг, Қайда бўлманг, ўзбегимнинг қизи бўлинг.

Ватан — асли жонимизда титраган жон, Ватан — она, Ватан — ишқу, Ватан — иймон, Сиз Ватанинг тимсоласиз, жон қизларжон, Янги аср сори чироқ бўлиб ўтинг, Қалб кўтарган яшил байроқ бўлиб ўтинг.

Янги аср, осмонинги безард қилгин, Тойчоқларинг қулунай шўх, бедард қилгин, Йиғирма бир гунча жамлаб, тутдиқ сенга, Бағринга бос, гул умрини абад қилгин. Лаба босиб, дала тупроқ-тузларини, Асра, асрим, Ўзбекистон қизларини.

Шарифа САЛИМОВА

Мамлакатимиз футбол ишқибозлари орқиқиб кутган XIV миллий чемпионат ўйинлари бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Утган йилги мавсум якунлангандаёқ олий лиганинг барча ўн тўрт жамоаси номи маълум эди. Аммо яқинда «Сурхон» жамоасининг молиявий аҳоли талабга жавоб бермаслиги туфайли олий лига ўйинларидан четлатилди. Термида бўлиб қайтган Ўзбекистон футбол федерациясининг махус комиссияси мавсумга тайёрларлик ишлари олиб борилмагани, футболчи-

«СУРХОН»НИНГ ЎРНИГА...

ИККИ ДАЪВОГАР

ларнинг деярли тарқалиб кетганини маълум қилган. Шундан сўнг ўтган йили ўн учинчи ва ўн тўртинчи ўринларни эгаллаб биринчи лигага тушиб кетган «Самарқанд — Динамо» ва «Андижон» жамоаларидаги шароит билан танишиб чиқилди. Самарқандликлар тайёрларликни яқинда бошлаган бўлсалар-да, тажрибали мутахассис Баҳром Ҳақимов бош мурабий этиб тайинланган, жамоа ўйинида бир қанча ижобий ўзгаришлар бўлган. «Андижон» жамоасида эса моддий аҳоли яхши бўлишига қарамай мавсумга тайёрларлик кўнгилдагидек кечмаган.

Энди маъмур икки жамоа 8 март кунини ўзаро учрашади ва ғолиб олий лигада «Сурхон»нинг ўрнини эгаллайди. Шу ўринда яна бир янгиликни айтиб ўтиш жоиз. 2006 йилда олий лига жамоалари сони ўн олтига етказилади. Биринчи лигада биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар тўғридан-тўғри олий лигага йўлланма олади. Учинчи ва тўртинчи поғонани банд этган биринчи лига вакиллари олий лиганинг ўн учинчи, ўн тўртинчи ўринидаги жамоалари билан учрашади.

Анвар САМАДОВ

Тадбиркорлик — давр талаби



«МОҲЛАРОЙИМ» МАРКАЗИДА

хотин-қизлар хунар ўрганмоқдалар

олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлади. У қаерда ишлаган, ўз фаолиги ва ижодкорлиги, изланувчанлиги, меҳри дарёлиги, одамхўлиги билан кўнгаларга намуна бўлди.

«Моҳларойим» марказини ташкил этишдан мақсад — уй бекалари бўлиши аёлларни иш билан таъминлашдир. Шу билан бирга ёш қизларни хунарни қилиш ва оилавий ҳаётга тайёрлашни режалаштирғанимиз. Шукурки, мақсадимизга эришяпмиз. Дастлаб сўровномалар асосида фарзандлари тарбияси билан машғул бўлган 12 нафар олий маълумотли аёлни ишга қалбул қилдик. Ҳозир улар ўз мутахассислиги бўйича ёшларга сабоқ бермоқдалар. Айни пайтда маҳалламизда 8200 нафардан ортиқ хотин-қизлар истиқомат қилади. Улар маҳалла аҳолисининг 51 фоизини ташкил этади. «Шофайз» худудидда яшаётган кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, кўп болали оилалар фарзандларининг 70 фоизини бепул ўқутдик. Бундан кейин ҳам савобли ишлардан сармомиязини асмаймиз.

Муҳтожларга ёрдамим тегаетгандан бахтлиман, — дея Гулчехра опа гапида давом этди. — Кези келди, айтай. Хеч кимга сир эмас, ёш болали аёллар орасида ишсизлик маркази мавжуд. Натижада, оила иқтисодий тангликка тушиб қолади. Бундай ҳолат ўзимнинг бошимдан ҳам ўтгани учун яхши тушунаман. Менга ҳам 4 нафар фарзандни тарбиялаш осон бўлмаган. Шунинг хисобига олиб, келажакда маҳаллада фабрика қуришни кўнглимга тугиб юрибман. Агар шу орзум амалга ошса, у ерда кўпроқ ёш бўлаги бор аёлларни иш билан таъминлаш ниятидаман. Яна уларнинг болаларига ҳам шарт-шароит яратиш, боғча қуриш мўлжалим бор. Гўдаги ёнида бўлган она хотиржам ишлайди, оиласи ва жамиятга нафи кўпроқ тегади. Дарҳақиқат, хунарни одам — қўли гул ҳисобланади. Утган икки йил ичида ўқув-амалиёт марказида 120 нафардан зиёд хотин-қиз малакасини ошириб, хунарни бўлди. Марказ ёшларни нафақат хунарга ўргатади, балки уларни оилавий ҳаётга тайёрламоқда, жамиятда ўз ўрнини топиб олишига ёрдамлашмоқда. Зеро, бугунга келиб «Моҳларойим» моҳлари жамиятда, оилада ўз ўрнини топиб келмоқда. Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ



БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

юртишимизда истиқомат қилаётган барча хотин-қизларни 8 март шодивчаси билан салиший муборакбод этади. Мустақиллик даврида аёлларимизнинг оилада, жамиятда тутган мавқеи янада ортди. Жумладан бизнинг институтишимизда ҳам хотин-қизлар муносиб ўрин эгаллаб, улкан бийёркорлик ишларида иштирок этаётганидан фخرланамиз. Уларни байрам билан табриклар эканмиз, Ватанимиз бундан-да гуллаб яшнасин, деймиз.


СЎЗ КЎРКИ МАҚОЛ Эрта турган йиғиннинг бир ризқи ортиқ. Эрта турган аёлнинг бир иши ортиқ. Аёл хусни — иффатда. Яхши қиз — ёқдаги қундуз, Яхши йиғит — кўкдаги юлдуз. Онангни елканда тутсанг, сингилгини бошингда тут. Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ

ЎзХДП янгиликлари ҚИСҚА САТРЛАРДА

ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят таҳсис марказида бўлиб ўтган тадбирда Юртбошимизнинг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳақида сўз борди. Вилоят партия кенгаши биринчи қотиби О.Равшанов бу ҳақда йиғилганларга гапириб берди. Тадбир сўнггида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан бир гуруҳ тиббиёт ходимларига совғалар топширилди.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Қарши шаҳридаги «Ойдин» маҳалла гузариди Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда жамиятда, юртимиз ҳаётида иттифоқларни жадал амалга оширишда аёлларнинг ҳиссаси, ХДП сафидаги фаол хотин-қизлар, улар бажарётган ибратли ишлар хусусида гапирилди. Қарши шаҳридаги «Тарона» гуруҳи ижро этган қўшиқ ва рақслар кечига янада фойз киритди. Бир гуруҳ аёлларга вилоят партия кенгашининг эс-диллик совғалари топширилди. Гулистон шаҳар партия кенгашида хотин-қизлар байрами муносабати билан қабул маросими уюштирилди. Унга ХДПдан депутатликка сайланган аёллар, партия фаоллари

таклиф этилдилар. Таклиф қилинганлар номидан Сенат аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Сабоҳат Зуннунова сўзга чиқишди. Қабулда иштирок этган барча аёлларга байрам совғалари улашилди. ХДП Гурлан туман кенгаши аёллар байрамига бағишлаб, «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида касб-хунари таълим тизими талабалари ўртасида спартакиада мусобақалари уюштирди. Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



Азиз ва меҳрибон оналар, опа-сингиллар!

«Дегеман Силк Роад Ташкент» меҳмонхонаси

Сизларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини билан табриклайди ва барча ниятларингиз амалга ошишини тилайди.

Ҳамиша толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқ-насибанигиз зиёда бўлсин.

Table with contact information for 'DEDEMAN SILK ROAD' hotel, including phone numbers, address, and website details.